

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТИ

"Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган
машина қисмларини тиклаш ва
чидамлилигини оширишда металл
кукунларидан фойдаланиш"
мавзусидаги

Республика илмий-техник конференция

бет 17
бет 51 - қанча
бет 52
бет 59
бет 63
бет 69
бет 105
бет 109
бет 113

Андижон-2003 йил

СОЦИАЛИСТИК ТЕХНОЛОГИК ИЗДА ХАРАКАТЛАНУВЧИ ТРАКТОР АГРЕГАТИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Абдурахмонов Ш.Х. - инженер, Абдурасулов М.,
Доц. Марупов И. - доцент

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирида технологияларини бажариш даври МТАни умумий ҳолда 8-16 катта далада ҳаракатланишига тўғри келади. Бунинг натижасида трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари юритмалари тупроқ зичланади ҳамда юқори қатламнинг структураси яқинлашиб, тупроқнинг шамол ва сув эрозиясига бўлган эриши камаёди. Бу камчиликлар айниқса тракторларнинг эриши мужассамлашганлигини ортиши билан юритманинг тупроққа ақс таъсири ортиб боради. Натижада тупроқ унумдорлиги пасайиб, ҳосилдорлик 20-30% гача камаёди. Бу жараённи тупроққа бўлган таъсирини камайтириш йўллари хилма-хил бўлиб, булардан асосийси тракторнинг конструкциясини яқинлаштириш, тупроқнинг зичланишига қаршилик қишлоқ хўжалик хусусиятини ошириш ва янги технологияларни жорийлашдан иборат.

Тупроқни зичланишга қаршилигини ошириш учун тупроққа органик ўғитлар солиш, ўсимлик қолдиқларини шудорлаш вақтида пастки қатламга ташлаб чиринди ҳосил қилишдан иборат.

Республикамизга юқори қувватли замонавий тракторлар қишлоқ келиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида уларнинг потенциал қувватидан тўла фойдаланиб юритиш унумдорлигини ошириш ва 1 га учун сарфланаётган ёнилги қишлоқ хўжалик камайтириш мақсадида нафақат 4 қаторлик, балки 6-7 қаторлик агрегатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу қаторлик агрегатлардан фойдаланилганда уларнинг қувватлиги ҳамда трактор бераётган буровчи момент миқдори катта бўлишини ҳисобга олинадиган бўлса бу МТА нинг тупроққа таъсири ҳам катта бўлиб, тупроқ зичланишини оширилади. Аммо қўлланилаётган МТАнинг далада ҳаракатланиши вақти 1.5 - 2.0 баробар камайиши сабабли далада умумий зич-зичланган майдон ҳажми ҳам камаёди.

Шу сабабли юқорида кўрсатилганларни инобатга олиш ҳолда тупроқ зичланишини камайтириш мақсадида деярлик ҳамма технологик жараёнларни бажариш вақтида МТАни доимий технологик изда ҳаракатланишини кўриб чиқамиз.

Жорий технологик жараёнда трактор юритмалари суғориш эгатлари бўйича ҳамда культиватор ишчи органлари юмшатиб берган қатор ораларида ҳаракатланади. Бунда гилдиракни юмалаш натижасида ўзига ҳос кинематик ному таносиблик таъсирида гилдиракни ер билан тишлашиш юзасида қувват циркуляцияси ҳосил бўлади. Қувват циркуляцияси юмалаш қаршилиқ кучини кўпайтиради ва шинани тез ейишишига олиб келади. Шинанинг ерга бўлган босим изобаралари ўсимлик илдизи томонига йўналтирилган бўлиб, илдизларни ривожланиш шароитини ёмонлаштиради.

Доимий технологик изда ҳаракатланганда босим изобаралари зичланган изда таъсир этиб усимлик жойлашган юмшатирилган ерга деярли тарқалмайди. Шинанинг ерга бўлган босим таъсири ўсимлик илдизларига таъсир этмайди.

Экиш схемаси 90 см. бўлганда қатор ораларига ишлов бериш вақтида тракторнинг етакчи гилдираклари деформацияланмайдиган горизонтал текисликда ҳаракатланганлиги сабабли юмалаш қаршилиқ кучи ҳамда шатаксираш камаяди.

Қатор ораларига ишлов беришда жорий технологияга нисбатан доимий технологик изда ҳаракатланганда юмалаш қаршилиги кучи 15-25% га, гилдиракларни шатаксираши эса 30-40 % га камаяди. Ер ости сувлари юқори жойлашган зоналарда пахтани етилиши 10 кунга тезлашади.